

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИМПРОВИЗАЦИОН МУХИТДА
ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ТАЙЁРЛАШ**

**Мирахмедова Дилафруз
АДУ, Умумий педагогика кафедраси**

Дунёда таълим соҳасидаги ривожланиш бу жараён қатнашчиларини инновацион фаолият сари ундамоқда. Чунки янги давр янги фикрлайдиган, замонавий ҳаёт билан ҳамнафас ўз фаолиятини оқилона бошқара оладиган мукамал ўқитувчиларга муҳтож. Бугунги пайдо бўлаётган муаммолар тезкор ва мукамал педагогик ечимини кутаяпти. Бу вазифани амалга ошириш учун ҳар тамонлама ривожланган, ижодкор, маҳоратли, педагогик импровизация механизмларидан мақсадли фойдалана оладиган, касбий етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурияти мавжуд эканини кўрсатмоқда. Импровизацион муҳитда ишлаш мутахассислар учун мақсадни тўғри белгилаш, муаммоларни самарали ечиш, зиддиятли ва стресс ҳолатларни олдини олиш ва педагогик фаолиятни ижобий ташкил этиш имконини беради.

Жаҳонда таълим жараёнидаги тенденциялар бўлажак ўқитувчиларни касбга тайёрлашга янги ёндашувларни талаб қилмоқда. Олий таълимнинг умуммеъёрий талабларига жавоб берувчи замонавий ўқитувчи аввало, ижодкор бўлиши, юқори маданиятли мутахассис, табиий қобилиятлар эгаси ва ҳар доим ўз устида ишлаш ва ўзини ривожлантиришга тайёр бўлиши керак.

Бўлажак ўқитувчи ижодкорлик замирида ўзида импровизацион элементларни намоён қила олиши зарур. Бу фаолиятнинг ўсиб бориши талабалар олдига янги-янги вазифаларни қўйиш билан бир қаторда доимо ўзгаришда бўлган педагогик жараёнда уларнинг ечими борасида тезкор тарзда сифатли таҳлил ва баҳолаш ҳамда мақбул ечим топишни талаб қилади. Ушбу жараён билан боғлиқ ҳолда импровизация муҳим ижодий ва самарали натижа учун хизмат қилади.

Табиатан инсон фаолиятида стереотипик ва импровизацион фаолият ёнма-ён ривожланади. Агар биринчиси мавжуд шароитда барқарор бўлса, шахсни тажрибасини ифодаловчи ўзига хос омил бўлиб хизмат қилса, импровизация ўзгарувчан шароитларда инсонларнинг ўз хатти-ҳаракатларини қайта куриш имкониятини яратади. Ҳар икки даража реал жараёнда турли кўринишда намоён бўлади ва ўзаро қарама-қаршиликларга кириша олиши боис фаолият субъектини ривожланишини таъминлайди.

Замонавий шароитда педагогларнинг айнан ижодкорлик фаолияти борасидаги муаммоларни ўрганишга эътибор қаратилмоқда ва бу мавзуда кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Педагог маҳорати ва ижодкорлиги борасида Ю.П.Азаров, Б.А.Буяльский, Б.А.Верб, Н.П.Вербовая, Э.А.Гришин, Ю.П.Попов, Н.А.Портнов, И.Е.Шварц ва бошқалар изланишлар олиб борганлар. Таълим жараёнида педагогик маҳоратни шакллантириш ва ривожлантириш борасида В.А.Сластенин, Н.А.Томин» Н.М.Яковлева А.М.Акимова, А.Н.Андреева, С.Н.Бондаревская, Э.А.Гришин, Ф.Н.Гоноболин, Л.М.Лузина, Н.Д.Никандровлар ўрганганлар. Тарбияга оид муаммоларининг ижодий ечими ва технологиялари борасида Ю.С.Василенко, С.А.Калабалин, В.И.Конonenко, В.М.Коротов, Н.Е.Щурковалар тадқиқот ўтказганлар.

Педагогик ижодкорликнинг ўзига хос хусусиятлари ва механизмини чуқур ўрганмай туриб, таълим соҳасида уни самарали ривожлантириб бўлмайди. Бироқ, унинг таркибий қисмларидан бири бўлган импровизация педагогик жараёнга қизиқиш ва ижобий муносабатни шакллантиришга хизмат қилади. Тадқиқ этилаётган муammo юзасидан кенгрок изланишлар олиб бориш, мамлакатимизда бўлажак ўқитувчиларни

“Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim, fan, innovatsiya va ilmiy tadqiqotlarning salmoqli natijalari: muammo va yechimlar” mavzusida Respublika ilmiy anjuman to’plam materiallari 2024-yil 19-aprel kun.

касбга тайёрлаш жараёнида мавжуд компетенцияларни ривожлантириш замирида педагогик импровизацияни шакллантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш таълимни самарали амалга ошириш учун замин яратади.

Олимлар педагогик импровизацияни турлича таърифлайдилар. Жумладан: В.А. Кан-Каликни фикрича педагогик импровизация бутун педагогик жараёнга ижодий таъсир кўрсатадиган мулоқот санъатидир, деб таъкидлайди. В.Ю. Берикханова эса ўқув жараёнининг таркибий қисмларини амалга ошириш ва сўзлашиш воситаси сифатида талқин этади.

Импровизация замонавий ўқитувчининг ижодий компоненти сифатида турли хил педагогик муаммоларни самарали ечим топиши учун қўлланиладиган кўплаб техникаларга эга бўлиб, вазиятни тўғри баҳолаш, машғулотларда ва дарсдан ташқари ҳолатларга маслашувчанликни таъминлайди.

Педагогик импровизация турли шаклларда намоён бўлади:

- ўқитувчининг монологи, диологи ёки ҳазил-мутоибаси, латифа характерида бўлиши мумкин;

- жисмоний ҳаракатлар орқали яъни имо-ишора, гавда ҳаракатларини бошқариш;

- оғзаки ва жисмоний ҳаракатлар турли ҳазиллар, ўйинлар, мини спектакллар ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчининг импровизацион муҳитда ишлаш кўникмасига эга бўлиши орқали таълим жараёнида ўқув мақсадларини самарали ҳал этиш билан бир қаторда таълим олувчи шахсига ижобий ва ижодий таъсир кўрсатувчи асосий омил сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. М.: Педагогика, 1990. - 144 с.

2. Берикханова Л.Ю. Педагогическая импровизация в Деятельности учителя: Дис. . канд. пед. наук. Тюмень, 1990. – 261с.

3. Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Неъматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами / Мет. қўлл. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013. – 137 б.